

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

569 Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдор-
ликка эришган фермер хўжаликларини рағбатланти-
риш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2518*

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қону-
ни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-
41-сон, 433-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил
22 октябрдаги ПФ-4478-сон «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил
қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор
қиладилар:**

1. Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фер-
мер хўжаликларини имтиёзли рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом
иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға ки-
ради.

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

Тошкент ш.,
2013 йил 26 сентябрь,
179а-сон

З. РЎЗИЕВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2013 йил 26 сентябрь,
96-сон

Р. АЗИМОВ

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2013 йил 26 сентябрь,
49-сон

Г. САИДОВА

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги,
Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги-
нинг 2013 йил 26 сентябрдаги 179а, 96,
49-сонли қарорига
ИЛОВА

**Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка
эришган фермер хўжалиklarини рағбатлантириш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 433-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сон «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 43-сон, 493-модда) мувофиқ, пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklarини рағбатлантириш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
рағбатлантириладиган фермер хўжалиklари — мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklари;

комиссия — рағбатлантириш учун тақдим этилган фермер хўжалиklарининг ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда уларга хулоса бериш бўйича туман (шаҳар) хокимининг қарорига асосан ташкил этиладиган доимий комиссия;

хулоса — комиссия томонидан бериладиган ва фермер хўжалигининг юқори ҳосилдорликка эришганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

сертификат — юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklарининг унда кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ва тегишли туман Фермерлари кенгаши томонидан бериладиган бир йил давомида амал қиладиган ҳужжат;

имтиёз — бир йил давомида пахта хом ашёсини етиштириш бўйича юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklарига фойдаланиш учун тақдим этиладиган бир марталик рағбатлантириш.

2. Рағбатлантириладиган фермер хўжалиklarини аниқлаш ва уларга имтиёзларни тақдим этиш мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган схема асосида амалга оширилади.

II боб. Рағбатлантириладиган фермер хўжаликларининг рўйхатини шакллантириш

3. Рағбатлантириладиган фермер хўжаликлари рўйхати (бундан буён матнда Рўйхат деб юритилади) ҳар йили 5 декабрга қадар пахта тозалаш корхоналари ва туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан пахта хом ашёсини қабул қилиш варақалари (ПК-17-шакл) ва «Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида»ги давлат статистика ҳисоботи (1-FX shakli) маълумотлари асосида шакллантирилади.

4. Рўйхат шакллантирилгандан сўнг, пахта тозалаш корхонаси томонидан икки иш куни ичида контрактация шартномалари ҳамда имзо ва муҳр билан тасдиқланган пахта хом ашёсини қабул қилиш варақаларининг (ПК-17-шакл) нусхалари Рўйхатга илова қилинган ҳолда комиссияга тақдим этилади.

5. Рўйхатнинг ҳаққонийлиги ва белгиланган муддатда тақдим этилиши учун пахта тозалаш корхонаси ҳамда тегишли туман (шаҳар) статистика бўлими раҳбарлари масъул ҳисобланади.

III боб. Ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳамда сертификат бериш

6. Комиссияга келишув асосида туман Фермерлари кенгаши раиси раҳбарлик қилади ҳамда комиссия таркибига, қоида тариқасида, туман кишлок ва сув хўжалиги, ер ресурслари ва давлат кадастри, туман (шаҳар) статистика бўлимлари, тижорат банклари ва пахта тозалаш корхоналари раҳбарлари киритилади.

7. Юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари тўғрисидаги ҳужжатлар (туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан берилган фермер хўжалигининг пахта экин майдонлари ҳажми тўғрисидаги маълумотнома ва тегишли пахта тозалаш корхонаси томонидан берилган далолатнома) уч иш куни ичида комиссия томонидан ўрганиб чиқилади.

8. Ҳисобот йилида пахта хом ашёсини етиштиришда камида 20 гектар майдонда 40 ц/га дан ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари ҳисобланади.

9. Ўрганиш натижалари асосида комиссия томонидан юқори ҳосилдорликка эришган ҳар бир фермер хўжалиги бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда хулоса тайёрланиб, имзоланади.

10. Туман Фермерлари кенгаши томонидан уч иш куни ичида комиссия хулосасига асосан мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда сертификат расмийлаштирилади. Сертификат фермер хўжалиги бошлиғи ёки у вакил қилган шахсга сертификатни олганлиги тўғрисида имзо қўйдирган ҳолда берилади.

11. Берилган хулоса ва сертификатлар фермерлар кенгашлари томонидан алоҳида китобга қайд этиб борилади. Мазкур китоб рақамланган, ип

ўтказиб тикилган ва мухрланган ҳолда туман Фермерлари кенгашида сақланади.

12. Сертификат мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳар бир имтиёздан бир мартадан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

13. Юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари бир йил давомида қуйидаги имтиёزلардан фойдаланиши мумкин:

а) фермер хўжалигининг пахта экиладиган жами ер майдонининг камида 5 фоизига қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш. Мазкур имтиёзнинг тақдим этилиши учун тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари масъул ҳисобланади;

б) қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун ажратилган ер майдонларида агротехник тадбирларни амалга ошириш учун таъминотчи ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали мазкур ер майдонининг ҳар бир гектарига экилган экин тури учун амалдаги технологик карталарда тавсия этилган меъёрлар бўйича дизель ёқилғиси ва минерал ўғитларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан декларация қилинган нархларда (таъминотчи устамаси билан) олдиндан 100 фоиз тўловни амалга оширган ҳолда тегишли шохобчалар орқали харид қилиш. Мазкур имтиёзнинг тақдим этилиши учун «Ўзнефтмахсулот» АК тизимидаги нефть унитар корхоналари ҳамда «Ўзкимёсаноат» компанияси тизимидаги «Қишлоқхўжалиқкимё» худудий акциядорлик жамиятларининг туман ва туманлараро филиаллари масъул ҳисобланади;

в) туман (шаҳар) ҳокимлиги захирасидаги ер майдонлари бўйича ўтказиладиган танловларда фермер хўжалигига 10 баллгача тақдим этиш. Бунда фермер хўжалиги томонидан ҳисобот даврида камида 20 гектар бўлган майдонда юқори ҳосилдорликка эришилганда 2 балл, юқори ҳосилдорликка эришилган майдон ҳар 10 гектарга кўпайганда қўшимча 1 баллдан, 100 гектар ва ундан ортиқ майдонда юқори ҳосилдорликка эришилганда 10 балл тақдим этилади. Мазкур имтиёзнинг тақдим этилиши учун ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи доимий туман (шаҳар) комиссияси масъул ҳисобланади;

г) қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар бериш;

д) фермер хўжалигига Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган энгил автотранспорт воситаларидан («Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ махсулоти) хоҳлаган битта моделини фермер хўжалигининг асосий талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш йўли билан навбатсиз харид қилиш. Бунда фермер хўжаликлари томонидан тегишли сертификатга асосан «Ўзавтосаноат» АК тизимидаги корхоналарга мурожат этилгандан кейин бир ой муддатда шартномалар тузишни яқунлаш ҳамда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан фермер хўжаликларининг пахта якуний ҳисоб-китоб маблағларидан тўлиқ тўлаб берила-

ди. Мазкур имтиёзнинг тақдим этилиши учун «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўзавтосаноат» АК тизимидаги корхоналар масъул ҳисобланади;

е) қишлоқ жойларида қурилаётган намунавий уй-жойлардан бирини навбатсиз харид қилиш. Мазкур имтиёзнинг тақдим этилиши учун туман (шаҳар) ҳокимлиги ва «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ масъул ҳисобланади;

ж) суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида ўтказиладиган танловда барча шартлар бўйича тенг балл тўпланган ҳолларда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари имтиёзга эга бўладилар. Мазкур имтиёзнинг тақдим этилиши учун суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида тендер ўтказувчи тегишли комиссиялар масъул ҳисобланадилар.

14. Фермер хўжалиги сертификат олган кундан бошлаб бир йил давомида имтиёзларни олиш учун масъул бўлган ташкилот ва идораларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Имтиёзларни тақдим этилиши учун масъул бўлган ташкилот ва идоралар фермер хўжаликлари уларга мурожаат этган кундан бошлаб уч ой давомида имтиёзларни тақдим этадилар. Имтиёзлар учун тўловлар фермер хўжалигининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

IV боб. Имтиёзлар тақдим этилишини назорат қилиш

15. Туман Фермерлари кенгаши томонидан ҳар йили 20 декабрга қадар Рўйхат ҳамда берилган хулоса ва сертификатлар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳудудий Фермерлар кенгашига ҳисобот тақдим қилинади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳудудий Фермерлар кенгаши томонидан ҳисоботлар фермер хўжаликлари кесимида умумлаштирилиб, ҳар йили 25 декабрга қадар Ўзбекистон Фермерлари кенгашига тегишли ахборот тақдим қилинади.

17. Тақдим этилган ҳисоботлар Ўзбекистон Фермерлари кенгаши томонидан умумлаштирилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кирилади.

18. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklarини рағбатлантириш тўғрисида тизимли мониторинг юритади ва амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойнинг 5-санасигача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритади.

19. Имтиёзларнинг тақдим қилиниши ҳолати тегишли фермерлар кенгашлари томонидан доимий равишда ўрганиб борилади. Имтиёзларни тақдим этишда белгиланган тартибнинг бузилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, тегишли фермерлар кенгашлари томонидан Ўзбекистон Фермерлари кенгашига тезкор маълумот тақдим қилинади. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳам, ўз навбатида, имтиёзларни тақдим этишда белгиланган

тартибнинг бузилганлиги ҳолатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритади.

20. Мазкур Низомда белгиланган имтиёзларнинг тақдим этилиши ва ижроси аҳоли адлия органлари томонидан мунтазам равишда ўрганиб борилади.

V боб. Яқуний қоидалар

21. Имтиёзларнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва уларнинг ижроси учун тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари жавобгар ҳисобланади.

22. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

23. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Марказий банк, «Ўзнефтмаҳсулот» АК, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзавтосаноат» АК, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилган.

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. ТЎРАЕВ

2013 йил 21 сентябрь

*«Ергеодезкадастр»
давлат қўмитаси раиси*

С. АРАБОВ

2013 йил 20 сентябрь

Марказий банки раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2013 йил 20 сентябрь

*«Ўзнефтмаҳсулот» АК
бош директори*

Б. СУЛТОНОВ

2013 йил 18 сентябрь

*«Ўзпахтасаноат»
уюшмаси раиси*

Ф. ОМОНОВ

2013 йил 18 сентябрь

*«Ўзкимёсаноат»
ДАК раиси*

Х. ШЕРМАТОВ

2013 йил 19 сентябрь

«Ўзавтосаноат» АК
раисининг ўринбосари

Т. ЖАЛИЛОВ

2013 йил 19 сентябрь

Ўзбекистон Фермерлари
кенгаши раиси

С. ТУРДИЕВ

2013 йил 17 сентябрь

Пахта хом ашёсини етиштиришда
юқори ҳосилдорликка эришган фермер
хўжаликларини рағбатлантириш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Юқори ҳосилдорликка эришган хўжаликларни
аниқлаш ва уларга имтиёزلарни тақдим этиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Масъуллар	Муддат
1-босқич	Рағбатлантириладиган фермер хўжаликлари рўйхати пахта хом ашёсини қабул қилиш варақалари (ПК-17-шакл) ва «Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида»ги давлат статистика ҳисоботи (1-FX shakli) маълумотлари асосида шакллантирилади	Пахта тозалаш корхонаси, тегишли давлат статистика бўлими	ҳар йилнинг 5 декабрига қадар
2-босқич	Рағбатлантириладиган фермер хўжаликлари рўйхати шакллантирилгандан сўнг, икки кун ичида контрактация шартномалари ва пахта хом ашёсини қабул қилиш варақаларининг (ПК-17-шакл) нусхалари имзо ва муҳр билан тасдиқланиб, Рўйхатга илова қилинган ҳолда комиссияга тақдим этилади		икки иш куни мобайнида
3-босқич	Юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар уч кун ичида ўрганиб чиқилади. Ўрганиш натижаларига кўра, юқори ҳосилдорликка эришган ҳар бир фермер хўжалиги бўйича ҳулоса тайёрланиб, имзоланади	Комиссия	уч иш куни мобайнида
4-босқич	Комиссия ҳулосасига асосан сертификат бир кун ичида расмийлаштирилади. Сертификат фермер хўжалиги бошлиғи ёки у вакил қилган шахсга сертификатни олганлиги тўғрисида имзо қўйдирган ҳолда берилади	Туман Фермерлари кенгаши	уч иш куни мобайнида
5-босқич	Рағбатлантириладиган фермер хўжаликлари рўйхати ҳамда берилган ҳулоса ва сертификатлар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳудудий Фермерлар кенгашига ҳисобот тақдим қилинади	Туман Фермерлари кенгаши	ҳар йилнинг 20 декабрига қадар

Босқичлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Масъуллар	Муддат
6-босқич	Олинган ҳисоботлар умумлаштирилиб, Ўзбекистон Фермерлари кенгашига тегишли ахборот тақдим қилинади	ҚҚР ва ҳудудий Фермерлар кенгаши	ҳар йилнинг 25 декабрига қадар
7-босқич	Йил якунлари бўйича тақдим этилган имтиёзлар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳудудий Фермерлар кенгашига тегишли маълумот тақдим қилинади	Имтиёзларни тақдим этиш учун масъул бўлган ташкилот ва идоралар	Келгуси йилнинг 10 январига қадар
8-босқич	Олинган ахборотлар умумлаштирилиб, Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш	Ўзбекистон Фермерлари кенгаши	ҳар ойнинг 5-санасига қадар

Пахта хом ашёсини етиштиришда
юқори ҳосилдорликка эришган фермер
хўжаликларини рағбатлантириш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

(Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туман (шаҳар) номи)

**фермер хўжалиги томонидан пахта хом ашёси етиштириш бўйича
эришилган юқори ҳосилдорликни тасдиқлаш тўғрисида**

Х У Л О С А

_____ -сон

20__ йил «__» _____ туман (шаҳар)

20__ йил ҳосилидан давлатга пахта хом ашёси сотиш бўйича _____
фермер хўжалиги билан 20__ йил _____ куни тузилган _____-сонли
контракция шартномасида _____ гектар ер майдонида _____ тонна маҳсулот
топшириш белгиланган.

Пахта тозалаш корхонаси томонидан 20__ йилда берилган _____
_____ -сонли маҳсулотни қабул
қилиш варақаларига (ПК-17-шакл) ва «Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида»ги
давлат статистика ҳисоботида (1-FX shakli) асосан фермер хўжалиги томонидан
20__ йил _____ куни ҳолатига _____ тонна маҳсулот топширилди
ва ҳар бир гектардан ўртача _____ центнердан ҳосилдорликка эришилди.

_____ тумани Фермерлари
кенгаши раиси

(Ф.И.О., имзоси)

_____ тумани қишлоқ ва
сув хўжалиги бўлими бошлиғи

(Ф.И.О., имзоси)

_____ тумани ер
ресурслари ва давлат кадастри
бўлими бошлиғи

(Ф.И.О., имзоси)

_____ тумани статистика
бўлими бошлиғи

(Ф.И.О., имзоси)

_____ пахта тозалаш
корхонаси раҳбари

(Ф.И.О., имзоси)

20__ йил «__» _____

Пахта хом ашёсини етиштиришда
юқори ҳосилдорликка эришган фермер
хўжалиklarини рағбатлантириш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

(кенгаш белгиси)

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ
_____ туман Фермерлари кенгаши

**Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган
фермер хўжалигига имтиёзларни тақдим этиш ҳақида**

С Е Р Т И Ф И К А Т

20__ йил «__» _____ -сон _____ туман (шаҳар)

Ушбу ҳужжат _____ туман (шаҳар) комиссиясининг 20__ йил «__» _____ даги _____-сонли хулосасига асосан _____ фермер хўжалигига пахта хом ашёсини етиштиришда 20__ йил ҳосилидан _____ гектар ер майдонидан _____ центнер ҳосилдорликка эришганлиги учун берилди.

Мазкур сертификат орқали _____ фермер хўжалигига қуйидаги бир марталик имтиёзлар тақдим этилади:

а) фермер хўжалигининг пахта экиладиган жами ер майдонининг камида 5 фозига қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш;

б) қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун ажратилган ер майдонларида агротехник тадбирларни амалга ошириш учун таъминотчи ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали мазкур ер майдонининг ҳар бир гектарига экилган экин тури учун амалдаги технологик карталарда тавсия этилган меъёрлар бўйича дизель ёқилгиси ва минерал ўғитларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан декларация қилинган нархларда (таъминотчи устамаси билан) олдиндан 100 фоз тўловни амалга оширган ҳолда тегишли шохобчалар орқали харид қилиш;

в) туман (шаҳар) ҳокимлиги захирасидаги ер майдонлари бўйича ўтказиладиган танловларда фермер хўжалигига 10 баллгача тақдим этиш. Бунда фермер хўжалиги томонидан ҳисобот даврида камида 20 гектар бўлган майдонда юқори ҳосилдорликка эришилганда 2 балл, юқори ҳосилдорликка эришилган майдон ҳар 10 гектарга кўпайганда кўшимча 1 баллдан, 100 гектар ва ундан ортиқ майдонда юқори ҳосилдорликка эришилганда 10 балл тақдим этилади;

г) қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар бериш;

д) фермер хўжалигига Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган енгил автотранспорт воситаларидан («Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ маҳсулоти) хоҳлаган битта моделини фермер хўжалигининг асосий талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш йўли билан навбатсиз харид қилиш;

е) қишлоқ жойларида қурилаётган намунавий уй-жойлардан бирини навбатсиз харид қилиш;

ж) суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида ўтказиладиган танловда барча шартлар бўйича тенг балл тўпланган ҳолларда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари имтиёзга эга бўладилар.

Сертификат фермер хўжалигининг гувоҳномаси тақдим этилганда ҳақиқий ҳисобланади.

Амал қилиш муддати 1 йил

_____ туман Фермерлари
кенгаши раиси

(имзо/муҳр)

(Ф.И.О.)

Серия № 0000